

Шахсга сигиниш балоси инсоният тарихида абадий мухрланиб коладиган кора дог бўлди. Қўркув салтанати соғлом кишини ногирон, осойишта одамни безовта, булбулигўёни гунг килган эди. 30-йилларнинг мудхиш фожиалари “бахтли совет халки”га узок йиллар мутлако ошкор этилмади. Факат мустакиллик замонига келиб, Ўзбекистон осмонидаги бахайбат кора булутлар кетгандан сўнггина ўша машъум ходисалар хусусида юрак ютиб гапириш, ёзиш имкони тугилди. Хужжатгохлар тилга кирди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “миллатлар турмаси” саналган собик иттифок худудидан ташкарида, гарчи жисми туткунликда бўлса-да, рухи нисбатан эркин кишилар ўзлари гувоҳ бўлган ўша воқеалар тўғрисида баъзи хотираларни ҳам ёзган эди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида “Миллий адабиёт” журнали билан ҳамкорлик килган Абдулла Матёкубов исмли ижодкорнинг ҳукмингизга тақдим қилинаётган “Сўнгги кеча” воқеий ҳикояси ўша коралама — хотиралардан биридир.

Уруш йиллари Берлинда нашр этилган “Миллий адабиёт” мажмуасида М.Р., Равшан, А.М. каби имзолар билан катнашган Абдулла Матёкубов “Сўнгги кеча”да устози Абдулхамид Мажидийнинг НКВД ходимлари томонидан қандай олиб кетилганлиги хусусида сўзлайди.

Абдулхамид Мажидий (1902—1939) 20-йиллари Самарканд адабий-илмий муҳитида фаол катнашган. Шу муҳитда тарбия топган Мажидий “Абутанбал” таҳаллуси билан ҳам бир қатор ҳажвий асарлар ёзган. У 30-йиллари Хоразмдаги округ давлат театри ташкил топишида ўзининг улкан хиссасини қўшади. Айни чоғда, Хоразм ёш ижодкорлари билан ишлайди. Фикримизча, Абдулла Матёкубов Абдулхамид Мажидий билан ана шу йиллари танишган, унга шогирд тушган.

Гарчанд янги ҳукуматга, кизиллар матбуоти ва маданиятига юрак-юракдан хизмат килган бўлса-да, каттол жамият Мажидийнинг бу хизматларини инобатга олмади. “Айбдор”лар, “гуноҳкор”лар қаторида қатл этишга қўрсатма беради. Гуноҳсиз бир инсон шу зайдда сиёсат қурбони бўлди. 30-йиллар охиридаги ана шу мудхиш катагон-киргин авжига чиққан давр манзараси ушбу воқеий ҳикояда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

Баходир Карим

17 январ кечаси мен беш яшар кизим билан уйда ёлғиз қолдим. Дилбарнинг опаси хизматчи хотин билан бирга от ўйинига кетган эди.

У ўта шўх эди. Бўйнимга миниб олганини сезмай қолар эдим мен. У бўйнимга миниб олгандан сўнг ингичка қўллари билан сочларимдан ушлаб, “туя-туя” қилар, унинг айтганини қилмай, тушириб қўйсам, ҳеч бир сўзлашмасдан бир бурчакка бориб йиглар

эди. Мен унинг ёнига бориб ахвол сўрасам, юпатмокка тиришсам, ўзича сира англаб бўлмайтурган бир товуш билан сўзланар эди.

— Кизим, нима деяпсан, тушунтириб сўйла! — дер эдим мен.

— Нигорнинг дадаси яхши, хар кун, хар кун “туя-туя” килади! — дер эди у.

— Нигор дадасининг айтганини килади, аклли киз. Сен хам менинг айтганимни килсанг “туя-туя” киламан. Кани айт, киласанми, айт! — дедим.

Дилбарнинг юзида кувонч пайдо бўлди:

— Киламан, дада, айтинг! — деганича бўйнимга осилиб, мени кайта-кайта ўпти (суйди).

Мен уни кўтариб олиб, ичкари уйга киритдим. Патифонни кўйиб “ўйна” дедим. У хам “Хўп, дада!” деб ўйинга тушди.

У жуда хам келиштириб, баъзан кизикчилик килиб, бошини тебратиб, кошларини чимириб, мени кулдира-кулдира бирдан кулай фурсат топиб, худди чаккон маймун болаларидек бўйнимга миниб олиб, “туя-туя” деганича оёқлари билан тепсиниб, “хайт-хайт” дер эди. Мен бўлсам, уй ичида туядек лўкиллаб, у ёк-бу ёкка чопар эдим.

Шу пайт эшикдан кимдир келиб колди. Дарров елкамдан Дилбарни тушириб, ташки уйга чикдим. Карасам, Абдулхамид Мажидийнинг хизматчиси экан. У мени кўриши билан бир хатни бериб, жавоб ёзиб беришимни русчалаб сўради. Мен хатни ўкиб бўлиб, хатга бошка бир когоз оркали жавоб бериб жўнатдим.

Бу вакт кечки соат ўн бир ярим эди. Хатда Мажидий мени оилам билан уйига таклиф килган. Келишимни таъкидлаб сўрабди.

— Дада, — деди Дилбар, — каерга борасиз?

— Нигорларникига. Опангга хат ёзиб колдирамиз. Унинг ўзи борар! — дедим. “Мен хам бораман, дада”.

Мен уни кийинтирдим. Ўртогимга хат колдириб, ташкарига чикдик. Иссик уйдан чикиш билан изгирин шамол аралаш аччик совук юзга урилди. Биз югуриб бориб трамвайга миндик.

Биз тунги бир яримгача хангомалашиб ўтирдик. Ичимлик хам хаддан ортик, озгин, чакка суяклари бўртиб чикиб турган, ожизгина Мажидий, бу сафар хеч хам кизармади. Аввалларда икки рюмка ичиш билан тулумдек кизариб, хар хил кизик-кизик хикоя, эртактлар, хикматли сўзлар ва афандилар сўзлаб бера турган киши бугун ковоги солинган, ранги ўчган ва замоннинг бевафолигидан ёнган киёфада эди.

Ўртогим билан Мажидийнинг ўртоги Шарифахон Хива сомсаси пишириш учун чикиб кетганда Мажидий менга бир сўзни кочирим килиб кўйди:

— Равшан! — деди у, — шу кунларда менда тинчлик йўк. Хавотир ичидаман!

Мен унга дунёнинг кайгулари хакида камрок ўйлашни тавсия килдим. У бўлса, кўл силтаб, менга зарда килгандек бокди:

— Ана! — деди у кўли билан уйнинг тўрида кўгирчок ўйнаб ўтирган Нигор билан Дилбарни кўрсатиб, — улар дунё хакида гам емаса хакли. Чунки улар гўдакчалар. Биз-чи? Ота бўлган кишилармиз, ота бўлган кишилар!

У менинг устозим эди. 1930 йилда уни адабий ишдан четлаштирдилар. Пойтахтдан узок Хоразмга сургун килгандек килиб хайдадилар.

У Хоразмда бир канча вактларга кадар ишсиз юрди. Кейин кўп кийинчиликлар билан Хоразм вилоят театрини ташкил килиб, унда адабий кисм бошлиги бўлиб ишга тутинди. Ана шу вактларда мен эндигина газетада ишлай бошлаган, майда-чуйда адабий нарсалар ёзишга киришган эдим. “Абутанбал” ва А.Мажидий деб машхур от чиказган бу ёзувчининг калами Хоразм газеталари бетларида ва театрда машхур бўлиб кетди. Мен

унинг билан танишиб олгандан кейин уни вилоят газетасига ишга жойлаштиришга сабабчи бўлдим. Шундан сўнг у менга то сўнгги кунларгача ўз ёрдамини аямади. Хатто бир канча катта асарларимни унинг ўзи тахрир этиб, камчиликларимни кўрсатиб бериб, асарларимнинг силлик — кучли чикувига сабабчи бўлди. У асарда адабий нуктадан нуксон бўлувини сира кўра билмас, адабий нодонликка карши марҳаматсиз курашар эди. 1926 йилда бўлса керак, унинг “Хандон лолалар” деган шеърлар тўплами босилиб чиккан эди. У бу тўпланда ўзининг миллатчилик карашларини очикча ёзган. Ва шу сабабдан Хоразмга хайдалган!

Мен бу воқеаларни ҳаёлимдан ўтказиб олдим. Хива сомсаси келтирилди. Тагин ичдик. Сухбат кизиди... Соат иккидан 20 минут ўтганда мен кетиш учун рухсат сўрадим. Абдулхамид рухсат бермади. У шунда бу кун қолиб кетувимизни таклиф этди. Унинг сўзини ўлдиришни мен истамас эдим. Хотинлар ичкариги уйда, биз бўлсак ташкариги уйда ётдик.

Энди ширин уйкуга кетганимизда, эшик қокилиб қолди. Карасак, битта милисия ва НКВД ходими келиб турибди. Мажидий аввало бироз оқаринди. Кейин ўзини босиб ола билди. Мен не қиларимни бимай, хайрон бўлиб турар эдим.

— Сиз ким бўласиз? — деди менга қараб НКВД ходими.

Мен дадиллик билан жавоб қайтардим:

— Мен бу кишининг биродариман. Кеча оила аъзоларим билан меҳмон бўлиб келган эдим!

— Каерда ишлайсиз? Хужжатларингизни кўрсатинг!

Мен хужжатимни кўрсатдим. Шундан сўнг менинг иштирокимда келган киши уйни тинтувга киришди. Уй шундай тинтилдики, қаралмаган не шкаф, не оржа — сандик, не ёстик, не қарават тағлари қолди! Икки соатга чўзилган тинтувдан сўнг битта қўлёзма асар чиқди. Бу бир канча шаҳар театрларида зўр ютук қозонган “Отсиз” номли пиеса эди. Бу қўлёманинг бир чеккасига бир неча йил илгари: “Акмал Икромовга! Шу асарни сахналаштирувга (ўйнатувга) қўмак этинг!” деб ёзилган экан. Бу сўз ёзилган чоқда А.Икромов фирма қўмитасининг бош сарқотиби бўлган. Бу ёзувчининг “аксилинкилобчилар” билан яқин муносабатда, алоқада бўлганини кўрсатувчи катта (?) хужжат! Иккинчи хужжат топилмади. У А.Мажидийнинг 1919-1921 йилларда Истанбулга бориб чет элда ўқигани ҳақидаги гувоҳнома эди.

— Сиз қамолка олиндингиз! Айбингизни шу ёқда эълон қиламиз. Кўрпача, пул-мул олингиз, зарар қилмас!

Нигор уни олиб чиқаётганда узала ётиб, оёқ қалиб йиглаб, Дилбар бўлса милисияга қараб, хўмрайганча турар эди.

Мен устозимнинг кўзига бокдим. У менга бокди. Буни сезиб қолган чекист:

— Хайрлашинглар, балким қайтиб кўришмак насиб бўлмас! — деди. Бу сўзни эшитгандан сўнг Шарифахон билан менинг ўртоғим ҳам, опасига эргашиб қизим Дилбар ҳам йиглаб юборди.

Мажидийнинг ўтли кўзлари чекистга ташланди:

— Эй бағритош одам! Не учун илжаясан?! Бу йиги сенга роҳатми бағишлайди?

У шу сўзларнигина айта олди. Чекист унга сўзлов учун имкон бермади. Олдига солиб олиб чиқиб кетди. Уй ичи мотамга айланди.

— Нигор, энди бизларникига юр, қадангни милисия олиб кетди. Менинг қадам сени ҳам, мени ҳам “туя-туя” қилади! — деди Дилбар. У бу сўзни Нигорни тиндириш ниятида айтган эди. Аммо у бу билан тинмади.

Бу сўнгги кеча мени устозимдан ажратди. Эртаси китоб магазинига борсам, унинг янгигина босилиб чиққан “Калдирғоч”, “Хангома” деган асарлари сотишдан тўхтатилибди. Босилаётган девони, хажвий хикоялари тўплами ҳам босувдан тўхтатилибди.

Мана, халқ ичиндан чиққан битта ёзувчи нима учун йўқ килиниб юборилди. Одамни ҳар нарсадан “киммат” санайтурган Сталин замонинда интеллигентга нисбатан тутилган йўл мана қандай!!!

Берлин. “Миллий адабиёт” журнали 1943 йил, 1-сон.

Абдулла Матёкубов

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 30-сонидан олинди.